# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 8 октябрь, № 219 (8281) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Президенти Владимир Путин ташаббуси билан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.**

Саммитда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳам қатнашди.

Тадбирда келгуси ҳафтада Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кўп томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шерикликнинг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, инвестицион, транспорт-коммуникация соҳаларидаги яқин алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*7 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.*



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар янги таҳрирдаги "Стандартлаштириш тўғрисида"-ги қонунни муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонун 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига ва стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мазмунан тўғри келмайди.

Қонун мақсади стандартлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Қонунда давлат стандарти тушунчаси мажбурий бажариш маъносини англатгани боис хорижий тажрибаларга таянган ҳолда "миллий стандарт" тушунчасига ўзгартирилмоқда. Чунки миллий стандартлар ихтиёрий асосда қўлланилиши белгиланмоқда.

Жаҳон Савдо ташкилоти, Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ва бошқа ташкилотлар талабларига мувофиқ, ишлаб чиқарувчилар истеъмол бозорлари ёки хорижий бозорларга кириб бориши ҳамда рақобатбардошлилигини ошириб бориши учун стандартлар ихтиёрий асосда қўлланилади.

Қонуннинг қабул қилиниши билан 18 мингдан ортиқ стандартлар мажбурий тусдан ихтиёрийликка ўтади. Шу билан бирга, халқаро, минтақавий ва хорижий стандартларни Ўзбекистон Республикасида қўллаш тартиби жорий этилмоқда. Бунда улар миллий органнинг қарори билан миллий стандартлар сифатида ўзгаришсиз қабул қилиш орқали қўлланилади.

Шунингдек, стандартлаштириш соҳасида муайян муддатга қабул қилинадиган "дастлабки стандарт"ни (DS — Dastlabki Standart) қўллаш тартиби жорий этилмоқда.

Турли идоралар кесимида стандартлаштириш бўйича ишларни алоҳида-алоҳида олиб бориш амалиёти бекор қилиниб, стандартларни экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, янгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати стандартлаштириш бўйича миллий орган — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Стандартлар институтига берилмоқда.

Қолаверса, стандартлаштириш фаолиятини ташкил этиш тартиби аниқ белгиланмоқда. Жумладан, стандартлаштириш ишларини режалаштириш, стандартлар ахборот базасини яратиш ва юритиш, стандартларни қўллаш, нашр қилиш ва тарқатиш, Стандартлаштириш соҳасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби, яъни Апелляция комиссиясини тузиш белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига замонавий ва хорижий стандартлар асосида ўз маҳсулотлари ва товарларини ишлаб чиқишда ҳамда хизматлар кўрсатишда қулайликлар яратиб беради. Бу аҳолига сифатли маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонуни кўриб чиқилди.

Маълумки, мустақиллик йилларида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Бироқ бугунги кунга қадар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳар хил кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Уларнинг тарқоқ ҳолда эканлиги, шу билан бирга, нормаларнинг ўзаро бир-бирига номувофиқлиги соҳани тартибга солишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

Шу сабабли фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур масалаларнинг ечими сифатида "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди.

Унда кўчмас мулкнинг турлари, уларга бўлган ҳуқуқлар ҳамда чекловлар, давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлиги, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва рад этиш, келиб чиқадиган низоларни судгача тартибда ҳал қилиш ва бошқа соҳага оид барча муносабатлар ҳуқуқий ечими кўрсатилган.

Қонун мавжуд муаммоларни бартараф этибгина қолмасдан, балки фуқаролар ва тадбиркорларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи, муҳими, тўғридан-тўғри таъсир этувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан кафолатланиши кучаяди.

Мулкдорлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши таъминланади. Кўчмас мулк билан боғлиқ низоларнинг судгача ҳал этилиши, хусусий мулкка бўлган муносабатнинг ўзгаришига, қолаверса, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилинишига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мажлисда мазкур қонун жамоатчиликнинг таклиф ва фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш тартиби қонунчиликда аниқ тартибга солинмаган.

Шу сабабли амалиётда географик объектлар (кўча, маҳалла, майдон, боғ ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмлари)га шахс номини беришда турли муаммолар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунда географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш белгиланган.

➡ 2

Дил сўзи

# ЮКСАК ИШОНЧ ВА УМИД ТАФТИ

*Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигидаги ишлар ҳолати, аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Сирдарё вилоятида бўлди. Ушбу ташрифдан, сўзсиз, сирдарёликлар руҳияти янада кўтарилди. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган конструктив ечим ва таклифлар, юксак ғамхўрлик, инсонлар ҳаётига жонкуярлик жамоатчилик орасида катта акс садо берди.*

**Эркин ОМОНБОЕВ, Сирдарё туманидаги «Арслон бобо» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Яшириб нима қилдим, кўп қатори менда ҳам давлатимиз раҳбари билан учрашиш мақсади бор эди. Ниятим ушалганидан бошим осмонда, десам, ишонаверинг!

Кейинги йилларда барча соҳа қаторида қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳам қадр-қиммати, меҳнатига бўлган эътибор ошди. Дейлик, ғалла ва пахтанинг харид нархлари бозор тамойилларига мувофиқлашиши биз, деҳқонларга катта рағбат берди. Деҳқонча айтганда, косамиз оқарадиган бўлди. Мана, ҳозиргача пахтадан шартнома режасини 110 фоизга бажариб, ҳар гектардан 33 центнердан ҳосил териб олдик ва юқори навга топширдик. Қолган ҳосилимиз 50 центнерлик кўрсаткичга бемалол етади. Ана шу маррага етсак, соф даромадимиз 1 миллиард сўмдан ошади. Бунга ҳали ғалладан олган даромадимиз кирмайди. Яна 2 гектарда картошка етиштириб, ўрнига сабзи экканмиз. Президентимиз айни ишимизни маъқуллаб, сабзи экспорти бўйича ўзларининг қимматли тавсияларини берди.

Ишимизга барака кираётган яна бир омил — бу томчилатиб суғоришни йўлга қўйганимиз бўлди. Бунга шу йил киришдик ва 27 гектардаги ғўзани айни усулда суғориб, гапнинг очиғи, ҳар жиҳатдан зўр натижага эришдик. Ортиқча харажат бўлмади, ҳам ғўза меъёрида сув ичди, ҳам вақтдан ютдик. Энг муҳими, кам сув сарфлаб, барака топдик. Айни пайтда сабзавот экинларини ҳам шу усулда суғоришни ўзлаштирдик.

Президентимизнинг ташрифидан сўнг менда янада куч-ғайрат, янги-янги ниятлар пайдо бўлди. Улардан бири — соҳамизнинг энг илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда тобора юқори самарадорликка эришишдир.

Айтгандай, кичик ўғлим агрономликка ўқияпти. Ўзим ҳам шу касб эгасиман. Лекин замонавий билимларни олган ёшлардан кўп янгиликларни кутса бўлади. Давлатимиз раҳбари ҳам айнан ёшларимизга катта умид ва ишонч билан қараётгани бежиз эмас.

**Покиза АҲМАДЖОНОВА, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси:**

— Президентимиз юртимизнинг қайси манзилига бормасин, ҳар ташрифида халқимизга хушхабар билан келади. Мана, куни кеча Сирдарёда бўлганида вилоятимизни ишсизлик тугатилган, ҳамма сирдарёликлар юз фоиз иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш ташаббусини эълон қилди. Бундан барчамиз, айниқса, ёшларимиз жуда хурсанд бўлди.

➡ 3

Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАШАББУСКОР

*Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири эканини тан олди. Шу боис ҳам 1994 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 17 июнь — Жаҳонда чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни сифатида кенг нишонланади.*



Аслида ҳам, қурғоқчилик — экинларнинг ҳосилдорлиги йўқолиши, ўрмон ёнғинлари ва сув танқислиги натижасида инсонлар ҳаётининг барбод бўлиши нуқтаи назаридан даҳшатли табиий офатлардан биридир. Ернинг таназзулга учраши ва иқлим ўзгариши натижасида кучайган қурғоқчилик шиддатли тус олмоқда. Бу 2000 йилдагига нисбатан 29 фоиз кўп ва ҳар йили 55 миллион кишига таъсир қилади. Ва яна эътиборсизлик давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб қурғоқчиликнинг таъсир доираси дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмига қадар кенгайиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши — асримизнинг глобал ва долзарб муаммоларидан бири. Инсониятнинг тараққиётга эришиш йўлида табиатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига олиб келадиган бош сабаблардан бири бўлиб қолаётир. Иқлим исиши натижасида қор қоплами ва тоғ музликлари майдони қисқармоқда, буғланиш кучаймоқда. Қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши ва жадаллашуви қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини бузиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин.

Иқлим ўзгариши муаммоси натижасида сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши, ўртача ҳароратнинг ошиши, ёғингарчиликларнинг нотекис тақсимланиши, қурғоқчиликнинг узоқ давом этиши, қишлоқ хўжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркиби бутунлай ўзгариши, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар кўпайиши, саҳролашиш жараёнларининг кучайиши кутилади.

➡ 4

Акс садо

# ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДАН – «ЭЗГУ НИЯТ ЭЛЧИСИ» САРИ

***ШҲТнинг 20 йиллиги муносабати билан 2021 йил сентябрда Душанбеда ўтказилган саммитда Ўзбекистон томонидан қатор таклифлар берилган бўлиб, улар орасида "ШҲТ эзгу ният элчиси" институтини яратиш ғояси ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бу ташаббус барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиб, унинг долзарблиги таъкидланди. ШҲТнинг Самарқанд саммитида эса "ШҲТ эзгу ният элчиси" низоми тасдиқланди.***

***Хўш, эзгу ният элчиси ким, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Нима учун Ўзбекистон айнан ШҲТ доирасида бундай институтни ташкил этишни таклиф қилмоқда?***

4-саҳифага қаранг. ➡

Конференция

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЧИҚ МАЙДОНИ

*Шу йил 6-7 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги демократик сайловлар стандартлари тўғрисидаги Конвенция: халқаро ҳамкорликнинг очиқ майдони" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси Ижроия қўмитаси ва Россия Федерациясининг Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур конференцияда МДҲ-га аъзо давлатларнинг парламенти вакиллари қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари ҳам иштирок этди.

Анжуман доирасида ўтказилган давра суҳбатларида миллий сайлов тизимларининг ўзига хос хусусиятлари, сайловларда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш, сайлов ташкилотчиларининг ўқитилиши, аёлларнинг сайлов кампанияларида иштироки, сайлов соҳасидаги жамоат ҳамда халқаро ташкилотларнинг фаолияти каби мавзуларда фикр алмашилди.

Илмий-амалий конференцияда нутқ сўзлаган миллий парламентимиз вакиллари МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси референдумларни кузатишда катта тажрибага эга эканлигини эътироф этиб, жаҳонда жадал ўзгаришлар рўй бераётган, хатар ҳамда таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда МДҲ ПА зарур ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Шунингдек, бу каби илмий-амалий анжуманлар Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича ташаббуслар рўёбга чиқарилишида муҳим аҳамият касб этиши урғуланди.

Тадбир якунида маърузалар давомида кўтарилган мавзулар кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, сайловлар ва референдумларни уюштириш ва ўтказиш тажрибасини ўзлаштиришда миллий ўзига хосликларни ҳисобга олиш зарурлиги юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

Таҳлил




***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги Фармони билан 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилинган эди. Мазкур стратегиянинг мақсади замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган комплекс ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат.***

***Ҳужжатга асосан, ҳозирги кунда 6 та тижорат банки —"Ўзсаноатқурилишбанк", "Агробанк", "Ипотека-банк", "Туронбанк", "Алоқабанк" ҳамда "Асакабанк" молиявий диагностика асосида истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган.***

3-саҳифага қаранг. ➡

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси тўғрисида
# АХБОРОТ

1

Бироқ амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш тартиби очиб берилмаган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган.

Географик объектларга шахсларнинг номини беришда эса уларни танлашда талаблар мавжуд эмас. Ушбу ҳолатлар географик объектларнинг номлари қайта-қайта ўзгартирилишига сабаб бўлмоқда.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6 та моддасига ўзгартишлар киритилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга беришда келиб чиқаётган турли муаммолар бартараф этилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг ўттиз учинчи ялпи мажлисида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат принципларидан келиб чиқиб моддий қўллаб-қувватлаш, турмуш ҳамда ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 782 минг ёки аҳолининг 2,4 фоизини ногиронлиги бўлган шахс сифатида пенсия ва нафақа олувчилар (шундан 376 минг нафари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар) ташкил этади.

Қонуннинг асосий мақсади — ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини ошириш ҳамда меҳнатини муносиб қадрлаш, фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олишдан иборат.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда ногиронлик пенсияси олаётган фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда ногиронлик пенсиясини олишни давом эттирса (бошқа пенсия турига ўтмаса), I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақтини қўшиб ногиронлик пенсияси қайта ҳисобланмайди.

Қонунга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия тайинланганидан кейинги камида 1 йиллик иш стажи ва иш ҳаки миқдоридан келиб чиқиб ҳар 2 йилда бир маротаба тайинланган пенсия қайта ҳисобланади ҳамда пенсия миқдорига қўшиб борилади.

Қонун қабул қилинса, 2023 йилда (1994 — 2022 йилларда иш стажига эга бўлган) 75 минг нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг пенсияларига ўртача 300 минг сўм қўшилади. Келгусида меҳнат фаолиятини олиб борганларнинг (бугунги кунда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг 43 минг нафари расман банд) пенсияси ҳар 2 йилда бир маротаба иш стажи ва ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаб борилади.

Қонунга мувофиқ пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган ўгай фарзандини 18 ёшгача камида 5 йил тарбиялаган ўгай ота-оналар болани тарбиялаган даврини аниқлаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсияларига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизгача миқдорида устамалар тўлаш тартиби Ҳукумат томонидан белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши амалиётда мавжуд турли хил ёндашувларнинг олдини олиш, коррупциоген факторларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Жорий йилда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Бунинг натижасида жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солинмоқда.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми экани қайд этилди.

Қонун билан “Гаров тўғрисида”ги Қонунга ва Фуқаролик кодексига мулкий ҳуқуқларни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартишлар киритилмоқда.

Хусусан, “Гаров тўғрисида”ги Қонунда агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси ҳисобланувчи мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи мол-мулкнинг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида қонунда белгиланган асосларда ва тартибда бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилиши ёки тегишли товон тўланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар махсус қонун, яъни “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинаётганлиги инобатга олиниб, Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонун” деган сўз билан алмаштирилмоқда.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши амалдаги қонунларда назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин қилинишининг олдини олишга ҳамда мулкка бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ва мулкка доир муносабатларни фақат қонун доирасида тартибга солишга эришилади.

Шу билан бирга, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилиниши ва хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Унда Сенат томонидан парламент назорати доирасида ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари доимий равишда ўрганиб борилаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаолларининг кўмагида 583,4 минг меҳнатга лаёқатли кишига меҳнат органлари томонидан бандлик хизматлари кўрсатилиб, улардан 291,3 минг кишининг бандлиги таъминланган.

“Темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 23,9 минг нафар ишсиз фуқарога 58,2 миллиард сўм миқдорида субсидия ажратилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 23,8 минг ва Хоразм вилоятида 46,8 минг нафар фуқаро 70 та фаолият йўналишида ўзини ўзи банд қилган.

Мамлакатимизда ишсиз фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келган битирувчилар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, норасмий бандликни камайтириш бўйича янги таъсирчан механизмлар жорий этилмоқда.

Жорий йил 1 ноябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилишдаги фаолият турлари яна ўнтага кўпайтирилди. 2023 йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ миқдори камайтирилади. Шахсий томорқа ер участкасида ўнга яқин фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқароларга ҳам кафолатланган меҳнат стажига эга бўлиш имконияти берилади.

Бу имкониятлардан мазкур ҳудудларда ҳам кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар ижобий ишлар билан бир қаторда ушбу ҳудудлардаги камчилик ва муаммоларга ҳам эътибор қаратди.

Қайд этилишича, халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари тизимли равишда ҳар ой натижалари бўйича муҳокама қилинмаган.

Республика вазирлик ва идоралари ҳамда вилоят ҳокимликлари томонидан тақдим этилаётган маълумотлар ўртасида ҳамон номутаносибликлар мавжуд. Иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботни шакллантиришда такрорланувчи рақамларни олиб ташлаш, солиқ органи ва Ягона миллий меҳнат тизими (ЯММТ) электрон маълумотлари базасига мувофиқлигини таъминлаш вазифаси бажарилмаган.

Айрим маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиларининг ишга муҳтож аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлари талаб даражасида эмас.

Ҳунармандчиликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш бўйича берилган имкониятлардан фойдаланиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ушбу йўналишда фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар ҳам иш ўринлари ҳисоботларида кўрсатилган. Бундан ташқари, фаолияти тўхтаган ҳунармандларга шогирдлар бириктирилгани ҳам ҳисоботларда акс этмоқда.

Аукцион орқали сотилган ер майдонларида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари қониқарли эмас.

Шунингдек, муҳокамалар давомида сенаторлар томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини маҳаллабай ишлаш тизими асосида ўрганиш ва сессияларда танқидий муҳокама қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Сенат қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда Фарғона вилояти ҳокимининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Ҳисоботда вилоятда инвестиция маблағларини жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Хусусан, вилоятда ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар миқдори йилига ўртача 50 фоизлик ўсиш суръатларини намойиш этиб, бу борада республикада 2-ўринни эгаллаб келмоқда.

Амалга оширилаётган инвестиция дастури лойиҳалари доирасида 2021 йилда жами 512 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилган бўлса, 2022 йил январь — август ойларида ушбу кўрсаткич 475 миллион долларни ташкил этган ҳамда ўтган йилнинг мос давридагига (216 миллион доллар) нисбатан — 2,2 баробарга ўсган.

Олиб борилаётган ишлар натижасида вилоятнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳам ортиб бормоқда. Дунёнинг нуфузли “S&P Global Rating” (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги томонидан вилоятнинг мустаҳкам молиявий индикаторлари ва юқори иқтисодий салоҳияти учун “B+”, яъни “барқарор” даражасидаги кредит рейтинги берилган.



Вилоятда 2021 йилда жами 756,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, 2020 йилдагига нисбатан 136 фоиз ўсиш кузатилган. Жорий йилнинг январь — август ойларида 556,6 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 114,8 фоиз ортган.

Вилоят экспортёрлари томонидан 60 та хорижий давлатга 150 дан зиёд турдаги маҳсулотлар экспорт қилиниб, экспорт географияси Гонгконг маъмурий ҳудуди, Гондурас, Кипр, Молдова давлатлари ҳисобига кенгайганлиги қайд этилди.

Эшитув олдидан Сенат томонидан мазкур йўналишда вилоятда амалга оширилаётган ишлар танқидий ўрганилиб, республика даражасидаги муаммоли масалалар вилоят ҳокими, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Жумладан, тадбиркорлардан ундирилган қўшимча қиймат солиғининг белгиланган муддатда қайтмаётганлиги улар фаолиятини ривожлантиришга, қўшимча ва муносиб иш ўринлари яратилишига ўз таъсирини кўрсатаётганлиги қайд этилди.

Кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари учун муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўрнатиш борасидаги ишлар етарли эмаслиги боис айрим лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги, баъзилари эса ташаббускор тадбиркорлар томонидан рад этилаётганлиги танқид қилинди.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг “А” ва “В” нимзоналарини боғловчи 900 метр темир йўл қуриш ишлари бошланмаганлиги боис маҳсулотларни жойларга етказишда қийинчиликлар юзага келиши билан бир қаторда, ортиқча сарф-харажатларга ҳам олиб келаётганлиги тадбиркорлар эътирозига сабаб бўлаётганлиги таъкидланди.

Муҳокама якунига кўра, ўз ечимини кутиб турган муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди ҳамда ижроси устидан парламент назоратини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Шу билан бирга, сенаторлар Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларида маҳаллийлаштириш дастурларининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, республикамизда маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилган. Юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратиш ва инвестицияларни фаол жалб этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, талаб юқори бўлган кенг турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида 2022 йилнинг январь — июнь ойларида 1 849 та лойиҳа бўйича 16,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудий корхоналар томонидан маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ойма-ой тармоқ жадваллари, тармоқлараро саноат кооперацияси доирасида имзоланган меморандумлар ва ички бозор эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда тавсия этилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича “йўл хариталари” қабул қилинган.

Натижада 124,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳамда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган 194 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 5 355 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Автомобиль саноати соҳасида “ЎзАвто Моторс” томонидан 2022 йил июль ойидан бошлаб янги “Трекер” автомобилини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда “Дамас” ва “Лабо” автомобилларининг ўриндиқ матоларини маҳаллийлаштириш натижасида импорт ҳажми 1,5 миллион долларга қисқарган.

Электротехника соҳасида импортни қисқартириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш мақсадида “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси томонидан 5 турдаги рентген аппаратларининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Сенаторлар асосий эътиборни маҳаллийлаштиришни амалга ошириш орқали импортни қисқартириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришда кўрилаётган чоралар ва уларнинг ижросига қаратди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 29 июлда “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори билан 2021 — 2024 йилларда Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурс тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилишга эътибор қаратилмоқда.

Экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида “Йўл харитаси” ҳамда устувор инновацион лойиҳалар рўйхати тасдиқланган.

Ҳозирги кунда “Йўл харитаси”да белгиланган 71 та тадбирнинг 31 таси, 65 та инновацион лойиҳанинг 18 таси амалга оширилган. Жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 8,1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, Нукус шаҳрида Ёшлар технопарки ишга туширилган.

Нукус туманида Оролбўйи халқаро инновация маркази қошида ўсимликлар уруғлари генбанки билан таъминланган лаборатория, бизнес-акселератор ўқув маркази ва технопарк ташкил қилиш учун республика бюджетидан 13,1 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Қорақалпоқ давлат университетида Олий таълим муассасалараро комплекс биокимёвий таҳлил маркази ташкил этилган.

“Қуриган Орол денгизи туби тупроқ иқлим шароитида ўсадиган дарахт ва бута ўсимликларининг генофондини яратиш” амалий лойиҳаси учун 3 миллиард сўм ажратилиб, Мўйноқ туманида 50 гектар майдонда чўл ўсимликларини (саксовул, қандим, черкез ва бошқа) касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича мониторинг ишлари ўтказилган.

Қишлоқ хўжалигида тупроқ ости суғориш янги технологиялари тизимини жорий этиш учун БМТ Тараққиёт дастури доирасида “Chahbani Technologies” компанияси (Тунис) ва Оролбўйи халқаро инновация маркази билан ҳамкорликда 3 600 дона инновацион тупроқ ости суғориш диффузор мосламаси келтирилиб, тажриба-синов учун 2 та иссиқхона барпо этилган.

Бундан ташқари, “Барсакелмес конидаги техник тузни инновацион флотация усули билан тозалаш”, “Қўнғирот сода заводи” МЧЖда карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Мўйноқ туманида замонавий таъмирлаш ва сервис марказини ташкил этиш”, “Тиббий системалар ишлаб чиқариш” каби лойиҳалар амалга оширилган.

Олиб борилган ишлар билан бир қаторда, лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, шунингдек, соҳада айрим камчилик ва муаммолар сақланиб қолаётганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ижобий хулоса тақдим этилмаганлиги натижасида Нукус туманида “Ақлли қишлоқ” (Smart village) концепцияси асосида янги замонавий тураржойлар комплекси қурилиши тўхтаб қолган.

Қишки спорт турларини ривожлантириш учун муз саройини барпо қилиш ишлари бошланмаган.

Чоксиз шикастланишларга қарши қоплама ишлаб чиқишни ташкил қилиш лойиҳасини амалга ошириш муддатидан кечиктирилмоқда.

Бундан ташқари, қурилиши ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган қатор лойиҳалар ишга туширилмаган.

Муҳокамалар якунида масъулларга қарорда белгиланган қурилиш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга орқали янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар ижросини таъминлаш топширилди. Масъул вазирлик ва идораларга лойиҳалар ва тадбирлар молиялаштирилишини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар ялпи мажлис давомида 11 та масалани, шу жумладан, 6 та қонунни кўриб чиқди.

Шуниng билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Ахборот хизмати.**

# ҲАР БИР МАСАЛАГА ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЁНДАШИЛДИ

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унга киритилган ҳар бир масала юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қандай аҳамиятга эга эканидан келиб чиқиб чуқур таҳлилдан ўтказилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.*

## Муносабат

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**

— Сир эмас, кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича тизимли ишлар рўёбга чиқариляпти. Аммо ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати туғилиши ўз-ўзидан тушунарли.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу ҳаётий зарурат боис ишлаб чиқилган бўлиб, у билан ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда.

Хабарингиз бор, жорий йилда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. Ҳозирда жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари шу ҳужжат билан тартибга солиб келинмоқда. Биз кўриб чиққан қонун эса бу борадаги ишларнинг изчил давоми бўлди.

Янги қонун билан “Гаров тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Фуқаролик кодексига мулкий ҳуқуқларни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартишлар киритилаётганлигини алоҳида айтиш зарур.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:**

— Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида ижтимоий ҳимоя алоҳида ўрин тутиши ҳаммага маълум. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ялпи мажлисда қизғин муҳокамага сабаб бўлган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда ногиронлик пенсияси олаётган фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда ногиронлик пенсиясини олишни давом эттирса, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақтини қўшиб ногиронлик пенсияси қайта ҳисобланмайди.

Шу боис янги қонунга кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия тайинланганидан кейинги камида 1 йиллик иш стажи ва иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, ҳар 2 йилда бир маротаба тайинланган пенсия қайта ҳисобланади ҳамда пенсия миқдорига қўшиб бориладиган бўлмоқда.

**Кутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

— Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, жумладан, жамоат ва давлат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар номини географик объектларга бериш яхши анъанага айланган. Аммо бунинг ўзига хос тартиби қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги сабабли амалиётда муайян муаммо ва қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Ялпи мажлис давомида кўрилган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қаратилгани билан диққатга сазовор.

Амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш ҳамда аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар)га Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган. Камига, географик объектларга шахслар номини бериш ҳамда уларни танлаш талаблари мавжуд эмас. Бу эса географик объектлар номлари қайта-қайта ўзгартирилишига олиб келаётир.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6 та моддасига ўзгартишлар киритилмоқда.

Муҳими, унинг қабул қилиниши натижасида юртимиз тарихида чуқур из қолдирган шахслар, жумладан, жамоат ва давлат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар номини географик объектларга беришда келиб чиқаётган турли муаммолар бартараф этилади.

**«Халқ сўзи».**

# ЮКСАК ИШОНЧ ВА УМИД ТАФТИ

1

Таъкидлаш лозимки, кейинги олти йилда келажагимиз эгалари бўлган ёшларимиз учун яратилаётган шароитлар ва имкониятлар кўлами ниҳоятда кенгаймоқда.

Мен кўп йиллар Гулистон шаҳридаги “Болалар шаҳарчаси”га раҳбарлик қилдим. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари ўрнига оилавий болалар уйлари ташкил қилингач, ушбу муассасалар тарбияланувчиларининг мустақил ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ўз ечимини топадиган бўлди. Аҳамиятлиси, уруш йилларида минглаб болаларни ўз оилалари бағрига олиб, дунёда болажон халқ сифатида ном таратган ўзбек халқи ворислари мазкур эзгу ишнинг моҳиятини тўғри тушуниб, меҳрга ташна бўлган болаларимизни ўз хонадонига бажонидил қабул қилдилар. Ҳозирги кунда ана шу болаларимиз ҳақиқий оила, қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик, меҳр-оқибат, борди-келди, тўй-маърака каби қадриятларимизни англаб, ота-она меҳри ва ардоғида улғаймоқда. Дарвоқе, Президентимиз Фармони билан “Болалар шаҳарчаси” биноси ўрнида иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати очилиши кутиляпти. Яъни бу ерда энди меҳрга эмас, илмга ташна ўғил-қизлар таълим-тарбия олади.

Бугун фарзандларимиз учун янги имконият сифатида ихтисослаштирилган мактаблар ўз эшикларини очмоқда. Жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам ана шундай 9 та мактаб ташкил қилинган ва уч мингдан зиёд иқтидорли болалар ушбу даргоҳларда камолга етмоқда. Ҳам она, ҳам педагог сифатида азиз фарзандларимизнинг эртасидан, демакки, келажагимиздан кўнглим тўқ.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШ — АЙНИ ЗАРУРАТ

*Бугун сифатли тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш, айниқса, чекка, олис ҳудудларда малакали ташхис қўйиш ва даволаш имкониятига, салоҳиятли кадрларга эга тиббиёт масканларини барпо этиш ҳаётий заруратга айланди.*

## Саломатлик

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги Хўжаюз қишлоғида оилавий шифокорлик пунктининг янги қиёфада қад ростлаши ҳам ушбу йўналишда ҳудудда тизимли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бинода лойиҳа асосида 600 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Зарур жиҳозлар билан таъминланиб, шифокорлар ва беморлар учун барча имконият яратилди.

Худди шундай, Каттақўрғон туманидаги энг чекка ва олис 19 қишлоқда ҳам “контейнер” усулидаги янги тиббиёт пунктлари фойдаланишга топширилди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЙИЛЛИК РЕЖА НЕЧА ФОИЗГА БАЖАРИЛГАН?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ташқи ишлар вазирлигининг “2022 йил учун бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлар бўйича амалга оширилиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Кун тартибидаги масала юзасидан ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э. Ҳамроев ахборот берди.

Таъкидланганидек, 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 532,2 млрд. сўм маблағ режалаштирилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналарини сақлаш харажатлари ҳамда чет элда маблағсиз қолган фуқароларни вақтинчалик маблағ билан таъминлашга қаратилган. Жорий йилнинг биринчи ярмидаги харажатлар асосий воситалар сотиб олиш билан йирик таъмирлаш ишларини молиялаштириш вақтинчалик чекланганлиги сабабли 244,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, йиллик ажратилган маблағларга нисбатан 46 фоизга бажарилган.

Ҳисобот даврида Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан 114 367 та консуллик хизмати кўрсатилди.

Шунингдек, экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва диверсификация қилиш, миллий маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун стандартлаштириш ва сертификатлаш каби йўналишларда вазирликнинг хорижидаги дипломатик ваколатхоналари вилоятлар ва тармоқ корхоналари билан биргаликда аниқ манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, элчихоналар билан бирга янги экспорт ҳажмлари ва йўналишлари бўйича (буюртмачи билан музокаралар ўтказиш, маҳсулотни экспорт қилиш муддати, суммаси, хорижда ўзбек маҳсулотлари савдо марказлари ва шоу-румларни очиш ва бошқалар) ҳар бир дипломатик ваколатхонанинг аниқ натижага йўналтирилган 2022 йил учун чора-тадбирлар режалари тайёрланган ва ижроси таъминланмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг хорижидаги дипломатик ваколатхоналари кўмагида 2022 йилнинг биринчи ярмида 692 млн. АҚШ долларига тенг 629 та экспорт шартномаси ишлаб чиқилди.



Йиғилишда депутатлар вазирликка мақсадли индикаторлар ижросига етарлича эътибор бериш, йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан аниқ ҳамда қатъий чоралар кўриш бўйича қатор таклифлар беришди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилишида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.*

## Муҳокама

Таъкидланганидек, депутатларнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, мазкур йўналишда сифат жиҳатидан янги ҳамда самарали тизимни йўлга қўйиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Қонунчилик палатасига жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан берилган таклифларни қўмиталар мажлисларида муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қўмита аъзоларига 506 та мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатлар қонун доирасида белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, кейинги йилларда фуқаролар томонидан Қонунчилик палатаси ҳамда унинг қўмиталарига йўлланаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳияти аввалгиларидан бутунлай фарқ қилмоқда. Бугунги кунда уларнинг таркибида амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар салмоғи ортиб боряпти.

Жумладан, қўмитага мана шундай мазмундаги 33 та таклиф келиб тушган. Бу эса халқимизнинг сўнгги йилларда ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Тадбирда амалдаги қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф берган фуқаролар — Х. Пирназаров, С. Султонбекова, Ж. Зулфиқоров, Д. Ҳодиев ҳамда С. Жўраев ҳам иштирок этиб, уларнинг таклифлари жамият фаолиятини такомиллаштиришда муҳим эканлиги инобатга олиниб, бугунги кунда қўмитада кўриб чиқилаётганлиги айтиб ўтилди.

Қизғин муҳокама руҳида ўтган йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ — УСТУВОР МАСАЛА

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 октябрь — Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни муносабати билан семинар ташкил этилди.*

## Семинар

Видеоконференцалоқа форматидаги ушбу тадбирда марказий студиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги бир қатор лойиҳалари координаторлари, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари мутасаддилари ва масъул ходимлари, ҳудудий студиялардан эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари масъуллари, пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ўтказилаётган миллий мониторингнинг ҳудудий гуруҳлари аъзолари, касаба уюшмаларининг меҳнат инспекторлари иштирок этди.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан яратилган Муносиб меҳнат концепцияси тўртта муҳим стратегик мақсад — меҳнат соҳасида асос солувчи ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш мақсадларига таянади. Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланиши, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Мана, бир неча йилдирки, Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан ҳам кенг нишонлаб келинмоқда. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда давлат органлари ва иш берувчилар бирлашмалари ҳам муносиб меҳнатни жорий этишга тайёрлигини намоён қилиб, касаба уюшмалари билан биргаликда бу кунги тадбирларда фаол иштирок этади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларини амалга татбиқ этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида имзоланган бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда жамоа шартномаларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Сўзсиз мазкур жараёнда ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 1 апрель ҳолатига республика бўйича қарийб 20 мингта корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициенти кўтарилган бўлиб, бу орқали ходимларнинг иш ҳақлари оширилишига эришилган.

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшмалари органлари томонидан иш берувчиларга, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига, банкларга, ҳуқуқий инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига 108 марта мурожаат қилиниб, ходимларга 44 миллиард 416 миллион сўмдан ортиқ ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ундириб берилишига эришилди.

Тадбир давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган миллий мониторинг жараёнининг бориши, меҳнатга адолатли ҳақ тўлашдаги устувор вазифалар ҳам муҳокама этилди.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун яратилаётган муносиб меҳнат шароитлари, бу орқали меҳнаткашлар турмушида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, касаба уюшмаларининг норасмий ва ностандарт бандлик бўйича мониторинги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Миллий ҳамда халқаро экспертлар семинар жараёнида бўлиб ўтган мулоқот ниҳоятда фойдали ва самарали бўлгани ҳамда унинг ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация ва модернизация қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб борилипти. Бу, ўз навбатида, жаҳондаги тез ўзгарувчан сиёсий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда банк-молия секторида ҳам таъсирчан ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.*

*Тадқиқотларга кўра, рақамли банкдан фойдаланадиган мижозлар сони 2024 йилга бориб дунё бўйича 2,5 миллиарддан ошиши кутилмоқда. Бу банклар ўртасида мижозларнинг энг яхши тажрибасини тақдим этишга ва молия муассасаларида булутли технологияларга бўлган талабнинг тобора ортишига ҳам олиб келади. Шу боис ҳам банклар ва молия институтлари анъанавий ёндашувдан рақамли ёндашувга ўтиши жадаллашаётир.*

*Таҳлилларимиз шу ҳақда.*




## Мижоз учун ишлашга ўргатилади

Рақамли трансформация — дунё бизнеси рақамли иқтисодиётнинг янги шартлари ва афзалликларига мослаша бошлаган муқаррар жараён бўлиб, рақамли технологияни татбиқ этиш орқали жамиятда инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, қулайликлар яратиш ва сифатини оширишга хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Хабарингиз бор, Тараққиёт стратегиясида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш мақсадлари белгилаб олинган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз банк-молия секторида истиқболли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Тизимдаги ислоҳотларнинг асосий мақсади тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишга қаратилган. Яъни барча саъй-ҳаракатлар замирида мижозларга кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш масаласи турибди. Бунда банк тизими фаолиятини кенг трансформациялаш, шунингдек, банк бизнесини юритишнинг замонавий моделларини жорий қилиш борасида белгиланган вазифалар ижроси муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув аҳолида банк тизимига бўлган ишончни оширишга хизмат қилади, албатта.

Айтиш жоизки, банклар трансформацияси жараёнида мижозларнинг талаблари ортиб бориши муқаррар. Шунинг учун банклар ўз мижозларининг талабларига биноан фаолиятини трансформация қилиши, яъни банк маҳсулотлари ва хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини яратишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиши асносида уни халқаро стандартларга мослаб такомиллаштириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш муҳим жиҳатлардан саналади.

Аммо муваффақият платформа таклиф этишдан кўра кўпроқ нарсани талаб қилади. Муҳими, таклиф этилаётган хизматлардан ҳосил бўлган қийматга ҳар бир мижоз қўядиган талабни ўзгартириш орқали эришилади. Яъни улар хоҳлаган нарсани тақдим этиш ва энг фойдали тарзда тўлаш имкониятини таъминлаш. Логистика бўлмаса, банклар нима бўлишидан қатъи назар, маҳсулот ва хизматларни охиригача етказиб беришнинг асосий қисмини таъминлай олмаслиги учун ҳеч қандай сабаб йўқ.

## Молия муассасаларининг рақобатлашиш қобилияти ошади

Банк ишидаги рақамли трансформация — бу банкнинг барча соҳасига рақамли технологияларни интеграциялаш, операцияларни оптималлаштириш ва мижозларга қиймат етказиб бериш йўлидаги оператив силжишдир. Агар рақамли трансформация муваффақиятли амалга оширилса, банкнинг бозорда рақобатлашиш қобилияти ошади. Қисқача айтганда, рақамли трансформация интернет орқали рақамли мижозларга хизмат кўрсатишга ўтишдир. Кенгроқ маънода эса рақамли трансформация таклифлар, жараёнларни автоматлаштириш, мижозлар тажрибаси, маълумотлар интеграцияси, ташкилий мослашувчанлик ва сотиш билан боғлиқ кенг доирадаги яхшиланишларни англатади.

Рақамли трансформациянинг асоси, албатта, технология ҳисобланади. Бироқ кўплаб рақамли трансформациялар муваффақиятсизликка учрайди. Шу боис банклар қайси технологияларни танлаши ва уларни қандай жойлаштириш борасида ўта ҳушёр бўлишлари керак. Шунингдек, компаниянинг янги технологияларга мослашиш қобилиятини чеклайдиган маданий муаммолар ва фикрлаш тарзини ҳал қилишлари жоиз.

Тадқиқотларга кўра, банклар ҳозирда жараёнларни қайта кўриб чиқиш ва рақамли трансформация стратегияларини амалга ошириш учун ноёб имкониятларга эга. Шошилинч ҳаракат кейинги ўн йил ичида омон қолиш ва муваффақиятсизлик ўртасидаги фарқни англатиши мумкин.

Рақамли трансформациянинг якуний мақсади мижозларнинг эҳтиёжларини тушуниш ва қаноатлантиришдир. Масалан, мобиль илова мижозлар тўловларини тўлаши, онлайн пул ўтказиши, кредит учун ариза топшириши ёки тугмани босиш орқали маълумот олиши керак бўладими, универсал воситага айланади. Бундай қулайлик даражаси банкларга мижозларни ишончли ушлаб туриш стратегиясини сақлашга, янги мижозларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга, ишга киришни осонлаштиришга ва шу тариқа даромадни оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда фаолият юритаётган банкларнинг аксарияти рақамли асрдан олдин пайдо бўлган. Одатда, ўнлаб йиллик тажрибага эга фирма бўлиш жуда яхши, лекин технология ҳақида гап кетганда эмас. Бугунги кунда анъанавий банклар фойдаланадиган кўплаб технологик платформалар жуда эскирган.

Тўғри, йиллар давомида улар кўп марта ўзгартирилди ва янгиланди, бу эса банкларга осонликча мослаштирилмайдиган ёки энг сўнгги технологиялар билан мос келмайдиган тизимларни қолдирди. Айтиш мумкинки, бу йирик банкларнинг рақамли банк инқилоби билан ҳамқадам бўлишига тўсқинлик қиладиган ягона энг катта тўсиқдир.

Очиқ банк ва интеграция шароитида истеъмолчилар ўзларининг шахсий маблағлари ва хусусиятлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истайди. Шу боис бутун дунё банк ва молия институтлари каби Ўзбекистон банк-молия сектори ҳам рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашувига катта эътибор қаратяпти. Негаки, анъанавий банклар жуда катта харажатлар билан арзон операцион моделга эга необанклардан фарқ қилади.

Ушбу очиқ банк тизимлари мижознинг маълумотларидан қўшимча тушунчалар (масалан, улар маълум харажатларга қанча пул сарфлаётгани), маълумотларни жамлаш (барча бир нечта ҳисобларни бир жойда кўриш учун) ёки мослаштирилган молиявий маҳсулотларни таклиф қилиш учун фойдаланиши мумкин. Мослашувчан хизматлар, янги бизнес моделлари ва тезроқ бозорга чиқиш вақти билан технологик чаққонлик рақамли трансформациянинг моҳиятидир.

Лўнда қилиб айтганда, банкларнинг рақамли трансформацияси қоғозбозликни йўқ қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш, транзакция ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун камроқ вақт сарфлаш, шаффофлик, самарали жамоавий иш, камроқ операцион харажатлар, асосий фаолиятдаги хавфларни камайтириш ва кўпроқ даромад олишга имкон беради.

## Ўзбекистон қайси босқичда?

Ўзбекистон банк тизими бугунги кунда банк хизматларининг анъанавий соҳалари — кредитлаш, депозит операциялари, ҳисоб-китоб ва касса каби хизматларини кўрсатувчи 31 та тижорат банкидан ташкил топган.

Мамлакатимиз банк секторида давлат устун мавқега эга — 31 банкдан 13 тасининг капиталида давлат иштироки мавжуд бўлиб, уларнинг капитали банк тизими жами капиталининг 87 фоизидан ортиғини, активлари эса умумий активларнинг 85 фоизидан кўпроғини ташкил қилади. Тўғри, молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Бу, ўз навбатида, давлат иштирокидаги банкларнинг мижозга йўналтирилганлик даражасини оширишга хизмат қилади. Шу боис давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва банк тизимида давлат улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, банклар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ҳамда хусусийлаштириладиган банкларга ажратилди. Халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янгиланган қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилаётир.

Давлат банкларини трансформация қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан IT соҳасини ривожлантириш масаласидир. Шу боис тижорат банклари ўзининг дастурчилар жамоасини ташкил этгани эътиборга молик. Бу эса банкларга амалдаги хизматларни автоматлаштириш ва янги инновацион ишланмаларни аутсорсинг компанияларни жалб қилмасдан, ўз ресурслари ҳисобига амалга оширишга ёрдам беради.

## Стратегиядан қандай натижалар кутилмоқда?

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги Фармони билан 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилинган эди. Мазкур стратегиянинг мақсади замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган комплекс ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат.

Ҳужжатга асосан, ҳозирги кунда 6 та тижорат банки —“Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк”, “Ипотека-банк”, “Туронбанк”, “Алоқабанк” ҳамда “Асакабанк” молиявий диагностика асосида истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган.

Тижорат банкларини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилишдан кутилаётган асосий натижалардан бири — банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда қатор тижорат банкларида давлат улушини камайтириш, фаолиятга халқаро тажрибани олиб киришдир. Қолаверса, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган функцияларни бажаришдан, шунингдек, ортиқча юкламалардан озод қилиш орқали маъмурий юкни изчиллик билан бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизмати турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзланмоқда.

Давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформациялаш натижасида молиявий хизматларнинг оммабоплиги ошади, молия бозорида тенг рақобат шароитлари шаклланади, кредитлаш фақат бозор шартларига бўйсунади. Хизмат кўрсатиш модернизациялашиб, банкларнинг самарали инфратузилмалари яратилади, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғи ривожланади, фаолият автоматлаштирилади, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматлар кенг жорий қилиниб, банк тизимининг молиявий барқарорлик даражаси кўтарилади.

Банкларни хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган.

Банк тизими трансформацияси ва хусусийлаштириш даврида ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш, яъни барча аҳоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мақсадида давлат иштироки 3 та банкда — “Миллий банк” АЖ, “Агробанк” ва “Микрокредитбанк”да сақлаб қолиниши белгиланган. “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека-банк”, “Алоқабанк”, “Туронбанк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк” хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади — тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат. Бунда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, банклар трансформацияси орқали молиявий хизматларни олиш аҳоли учун жуда содда ва қулай шаклга келиши керак. Бунда ахборот технологияларининг кенг йўлга қўйилиши билан бир қаторда ходимларнинг малакасидан тортиб муомаласигача ўзгариши, янгича ёндашувларга мос бўлиши жуда муҳимдир.

**Тўлқин АТАМУРОДОВ,**
**Навоий вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).**

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАШАББУСКОР

1

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини экологик масалаларга, жумладан, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлигига қаратди.

2021 йилнинг 30 май куни Корея Республикаси Президентининг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" иккинчи халқаро саммитида давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббусга дунё ҳамжамияти юқори баҳо берди. Икки кунлик форум кун тартибидан иқлим ўзгариши оқибатларини енгиб ўтиш, "яшил тикланиш" ва углерод нейтраллигини таъминлаш, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва Иқлим бўйича Париж битими қоидаларини бажариш масалалари ўрин олган эди.

Давлатимиз раҳбарининг "2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда 2021 йилнинг 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни яхшилаш эътиборни кучайтириш ҳам иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ер, сув ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигига тежамкор технологияларни жорий қилиш, глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Таъкидлаш керакки, глобал иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган экологик муаммоларни барча давлатлар ва инсоният бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсагина яхши натижага эришилиши аниқ. Шу нуқтаи назардан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити якунлари бўйича Ўзбекистон томонидан аъзо мамлакатлар ўртасида турли йўналишлар, хусусан, глобал иқлим исишига қарши чоралар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ШҲТ Иқлим кенгашини тузиш ташаббуси халқаро жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бундай кенгашнинг тузилиши ШҲТга аъзо мамлакатлар олимлари, экспертлари, экологлари ва бизнес вакилларининг мазкур йўналишдаги қўшма саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга имкон беради. Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради. Бу масала Орол денгизи экологик фожиасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф қилиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

ШҲТ Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ушбу ташаббус ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан ижобий қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди. Бунинг учун барча асослар етарли, зеро, глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари миқёси чегара билмайди. Айниқса, музликлар эриши, сув ресурсларининг қисқариши, қурғоқчилик ва ерлар деградацияси, табиий офатлар сонининг ошиши, флора ва фауна ноёб турларининг йўқолиб бориши ортга қайтмас тус олган. Ваҳоланки, бу иқлим билан боғлиқ салбий оқибатларнинг қисқача рўйхати.

Шундан келиб чиққан ҳолда, дунёдаги нуфузли ташкилот — ШҲТ ушбу муаммони четлаб ўтолмайди. Иқлим соҳасида баёнотнинг қабул қилиниши, шунингдек, саммит доирасида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида тегишли ташаббуснинг илгари сурилиши ШҲТга аъзо мамлакатларнинг глобал иқлим чақириқларига нисбатан бефарқ эмаслигини далиллади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги шериклик масалалари ташкилотнинг Шанхай декларацияси, ШҲТ Хартияси, Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома каби асосий ҳужжатларида назарда тутилган.

Айни пайтда ташкилотнинг экологик йўналишдаги фаолияти Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси доирасида амалга оширилмоқда. Масалан, 2014 йилда Хитой ҳукумати кўмагида, ШҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик маркази ташкил этилди, 2019 йилда эса ШҲТга аъзо давлатлар шаҳарларининг экологик фаровонлигини ривожлантиришга қаратилган махсус дастур қабул қилинди. Ташкилотнинг ўтган йили Душанбеда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон ташаббуси билан "Яшил камар" дастури амалиётга қаратилганини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Шубҳасиз, ШҲТ доирасида қабул қилинган баёнот бутун экотизимга таҳдид солаётган ва табиий офатлар хавфини оширувчи глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ортиб бораётган бир шароитда жуда долзарбдир. Иқлим ўзгариши оқибатларини бугун дунёнинг деярли барча давлатлари ҳис қилмоқда. Қолаверса, охирги 20 йил ичида 4,4 миллиардга яқин одамлар йирик табиий офатлар кўринишидаги иқлим ўзгариши таъсиридан азият чекди, 1,3 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этди.



Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил ҳисобланади. Бугунги кунда минтақа мамлакатлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қанча салбий оқибатларни бошдан кечираётганини ҳам айни ҳақиқат.

Масалан, музликлар майдонининг қисқаришини олайлик. Сўнгги 50 — 60 йил ичида минтақадаги музликлар миқёси 30 фоизга камайди. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши унинг 1,5 баравар, 4 даражага кўтарилиши 80 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин.

Иккинчи масала, сув ресурсларининг етишмаслиги. Сув танқислиги муаммоси минтақа мамлакатларида аллақачон критик даражага етган. Башоратларга кўра, 2050 йилга бориб сув ресурслари Сирдарёда 5 фоиз, Амударёда эса 15 фоизгача қисқаради.

Учинчиси, чўлланиш жараёнлари ва ер деградацияси. БМТ маълумотларига кўра, ўтган 50 йилда минтақа мамлакатларида чўлланиш жараёни билан қопланган ерлар миқдори 15 — 20 фоизга ошган.

Тупроқда намлик камайиши ҳисобига такрорий қурғоқчилик хавфи ортади ва ҳосилдорликка жиддий таъсир кўрсатади, атмосфера ҳавосида катта майдонларда чанг тўзонлари ортади. Исиш ва совиш каби аномал ҳодисалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Тўртинчиси, ниҳоятда жиддий — Орол денгизи муаммоси. Ҳозирги кунда, бутун жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи инқирози нафақат Марказий Осиё мамлакатларига, балки глобал миқёсда ҳам салбий оқибатларга олиб келаётганини эътироф этмоқда. Охирги 40 йил ичида денгиз ўз майдонининг 57 фоизини, ҳажмининг 80 фоизини ва чуқурлигининг 64 фоизини йўқотди.

Тўғри, Ўзбекистон ҳукумати томонидан Орол денгизи фожиасининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган қатор ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Орол денгизининг қуриган тубидаги ўрмонзорлар майдони 1,5 миллион гектарга етди. Кўкаламзорлаштириш, қурғоқчиликка чидамли кўчатлар экиш, ўрмонзор барпо қилиш бўйича фаол ишлар давом этмоқда.

Қолаверса, Оролбўйи ҳудудидаги экологик шароитни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2018 йилда БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил қилинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар ШҲТнинг бошқа давлатлари учун ҳам бегона эмас. Масалан, Росгидрометнинг ҳисоб-китобига кўра, Россияда ўртача йиллик ҳарорат бутун дунёга қараганда 2,5 баравар тезроқ ўсмоқда. Жаҳон банки маълумотларида эса Россия ҳудуди хавфли гидрометеорологик ҳодисалар таъсиридан ҳар йили 0,5 дан 1 миллиард долларгача зарар кўриши айтилади.

БМТ маълумотларига кўра, Хитой ҳам иқлим ўзгаришининг жиддий оқибатларига дуч келмоқда. Денгиз сатҳининг бир метрга кўтарилиши натижасида 92 минг квадрат метр майдон сув остида қолиш эҳтимоли мавжуд. Бунда Хитой соҳилбўйи қирғоқлари — Гуанчжоу, Тянцзин ва Шанхай каби шаҳарлар жиддий зарар кўриши мумкин.

Ҳиндистон жазирама тўлқинлар ва ҳаво ифлосланишидан азият чекмоқда. Башоратларга кўра, 2030 йилга бориб мамлакат иқлим ўзгаришининг жиддий оқибатларини бошдан кечиради — ўртача ҳаво ҳарорати, кучли сув тошқинлари, шунингдек, айрим ҳудудларида қурғоқчилик ҳолатлари 10 — 30 фоизга ошади.

Ёки дейлик, Покистондаги сув тошқини ҳолати иқлим ўзгариши оқибатларини яққол кўрсатиб турибди. Бир неча ҳафта олдин Покистонда ҳалокатли сув тошқини ва кўчки қурбонлари сони 1100 нафардан ошди. Табиий офатдан 33 миллиондан зиёд кишилар жабр кўрди, бу мамлакат аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади. Олти миллиондан ортиқ покистонликлар фавқулодда гуманитар ёрдамга муҳтож...

Умуман олганда, ШҲТ давлатларининг иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатишда кучларни бирлаштиришга интилиши ушбу муаммонинг жиддийлигини англаб етилганидан далолатдир. Зеро, бу йўналишда яқин ва конструктив ҳамжиҳатлик долзарб вазифага айланган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қабул қилинган "Иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари тўғрисида"ги баёнот ва Президентимизнинг Иқлим кенгашини ташкил этиш ташаббуси ташкилот фаолияти доирасида иқлим ўзгаришига нисбатан кўп томонлама шерикликни чуқурлаштириш, қолаверса, сайёрамиздаги долзарб экологик муаммоларнинг табиат ва инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Муҳсин ҲОЖИЕВ,**
**Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

## Тадбир

### УСТОЗ ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЭҲТИРОМ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан "Устозлар қадр топган юрт" мавзуида тадбир ўтказилди.*

Унда узоқ йиллар оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борган устоз журналистлар, олий таълим муассасаларида журналистика соҳаси бўйича ёшларга таълим берган фахрийлар, шунингдек, айни кунда газета ва журналлар, телерадиоканаллар, интернет нашрларида ёшларга мураббийлик қилиб келаётган соҳа фидойилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор кўрсатиш, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш, медиа соҳани муттасил қўллаб-қувватлаш, соҳада "Устоз — шогирд" анъанасини давом эттириш масалалари доимий эътиборда эканини таъкидлади. Бугун ёши улуғ журналистлар навқирон авлод учун катта мактаб, ибрат, намуна вазифасини ўтамоқда. Бу эса миллий масс-медиа ривожида алоҳида аҳамият касб этади.

— Бугун миллий журналистикамиз ривожига кўрсатилаётган эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксак, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Солиҳ Ёқубов. — Бу эътибор биз, ёши улуғ ижодкорларни ҳам янада катта масъулият билан ижод қилишга ундайди.

Тадбирда бир гуруҳ устоз журналистларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси совғалари ва аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДАН – «ЭЗГУ НИЯТ ЭЛЧИСИ» САРИ

*Ўзбекистон ташқи сиёсатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар билан узвий алоқаларни ривожлантириш муҳим йўналиш ҳисобланади.*

*Ташкилот доирасида давлатимиз томонидан илгари сурилган, пухта ўйланган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қирқдан зиёд таклифлар тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.*

*ШҲТнинг 20 йиллиги муносабати билан 2021 йил сентябрда Душанбеда ўтказилган саммитда Ўзбекистон томонидан қатор таклифлар берилган бўлиб, улар орасида "ШҲТ эзгу ният элчиси" институтини яратиш ғояси ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бу ташаббус барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиб, унинг долзарблиги таъкидланди. ШҲТнинг Самарқанд саммитида эса "ШҲТ эзгу ният элчиси" низоми тасдиқланди.*




Хўш, эзгу ният элчиси ким, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Нима учун Ўзбекистон айнан ШҲТ доирасида бундай институтни ташкил этишни таклиф қилмоқда?

Аввало, бу тасодиф эмас. Аксинча, халқаро сиёсатда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаси, амалиётда синовдан ўтган тажрибалар маҳсули хисобланади.

Тарихан қисқа давр ичида ШҲТ ўзининг улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга, жаҳоннинг глобал муаммоларига ечим топишда фаол иштирок эта оладиган нуфузли ташкилот эканини исботлади.

Бугун ШҲТ дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, халқаро, минтақавий можароларни ўзаро тенглик, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш асосида, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатиш ёки таҳдид қилишга қарши ҳаракатларни таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган замонавий халқаро муносабатлар тизимининг энг фаол иштирокчиларидан биридир.

Бугунги кунда олий ва юқори даражадаги расмий алоқалар билан биргаликда, турли мақомдаги инсонлар, уларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини яхшилашга ҳисса қўшадиган жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли мамлакатлар халқларининг маданияти, анъана ва турмуш тарзи, давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ англашга қизиқиш кучаймоқда.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бундан тўрт йил муқаддам, ШҲТнинг Олмаота саммитида мазкур ташкилот тадбирлари нафақат давлатнинг масъул раҳбарлари, балки халқлар вакилларининг ҳам учрашувларига асосланиши лозимлиги таъкидланиб, аъзо давлатларда мунтазам фаолият юритувчи халқ дипломатияси институтларини ташкил этиш ғояси илгари сурилган эди.

Кейинчалик ушбу ғоя ҳаётда ўз аксини топди. Тошкентда 2018 йили ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ташкил этилиб, ташкилотга аъзо давлатлар, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мақомидаги мамлакатлар халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг халқ дипломатиясига оид мазкур амалиёти сўнгги йилларда ШҲТга аъзо давлатларда ҳам жорий этилди. Айни пайтда мазкур давлатлар Халк дипломатияси марказлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур марказлар ташаббуси билан ШҲТга аъзо мамлакатлар халқлари ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва дўстлик ришталарини ривожлантириш бўйича қатор халқаро тадбирлар ўтказилмоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар доирасида иш бошлаган Халқ дипломатияси марказлари ҳамкорлигининг таҳлили, ҳақиқатан ҳам, ташкилотнинг ўзида мазкур йўналишни ўзаро мувофиқлаштириб, илмий-маърифий ва маданий-гуманитар соҳадаги шерикликни янада юксалтиришга хизмат қилувчи тузилмани ташкил этиш зарурати борлигини кўрсатмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон томонининг Душанбе саммитидаги янги ғояси, яъни "ШҲТ эзгу ният элчиси" институтига асос солиш таклифи ҳаётий заминга эга, десак, айни ҳақиқатдир.

"Халқ дипломатияси" тушунчаси сингари "Эзгу ният элчиси" ҳам ўз моҳиятига кўра, аъзо мамлакатлар, жумладан, ШҲТ имижини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу икки тушунча чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб, ривожлантириб боради.

"Халқ дипломатияси" ҳам, "Эзгу ният элчиси" ҳам мазмун-моҳиятан дипломатиянинг ўзига хос кўриниши ҳисобланиб, эзгу ният элчиси аслида халқ дипломатиясини амалга оширувчи муҳим манба, яъни халқ дипломатиясининг яққол воситасидир. Улар вақт ўтиши, шунингдек, халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда ривожланиб, дипломатиянинг бошқа кўринишлари билан биргаликда якдил мақсадлар сари элтишга хизмат қилади.

Эзгу ният элчиси санъат ва адабиётнинг машҳур намояндалари, эстрада ва спорт юлдузлари, қолаверса, жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги таниқли инсонлар бўлиши мумкин. Унинг негизида инсоннинг истеъдодли экани, айниқса, машҳурлиги муҳим аҳамият касб этади. Машҳур инсонлар орқали долзарб ва глобал муаммолар — қуролсизланиш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, қашшоқлик, экология, таълим, соғлиқни сақлаш, қочоқлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшилади.

Эзгу ният элчилари, аввало, ўз юртида, қолаверса, минтақадаги энг долзарб муаммоларга нисбатан фаол фуқаролик нуқтаи назарини намоён қилиши билан бирга, учрашув ва тадбирларда иштирок этиш орқали халқнинг эътиборини ушбу муаммолар ва уларнинг ечимига қаратади. Биз, ШҲТдаги янги юқори мартабали вакилнинг келгуси фаолиятидан ижобий натижалар кутамиз. Унинг фаолияти кўп томонлама дипломатия, очиқ мулоқотни ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, халқаро ҳамжамият ўртасида ташкилотнинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилишига умид билдирамиз.

Ишонамизки, ижтимоий фаолиятда катта тажрибага, шон-шуҳрат ва таъсирга, айни чоғда, ушбу шарафли миссияни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ва профессионал фазилатларга эга бўлган "Эзгу ният элчиси" сиёсий, бизнес, журналистик ва илмий доираларда "Шанхай руҳи" тамойилларини, жумладан, ШҲТ минтақасидан ташқарида ҳам қўллаб-қувватлайди.

Назаримизда, "ШҲТ эзгу ният элчиси" институтини яратишда БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар, Европа ва Америкада фаолият юритувчи турли жамғармаларнинг ижобий тажрибаси ўрганилиши муҳим. Чунки узоқ йиллар давомида халқ дипломатиясининг муҳим воситаларидан бири ҳисобланган "Эзгу ният элчиси" имкониятларидан Ғарб мамлакатлари самарали фойдаланиб келмоқда. Бироқ асрлар давомида улкан минтақа халқларини савдо-сотиқ, маданий-маънавий қадриятлар орқали бирлаштирган, давлатлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга асос солган Буюк Ипак йўли давлатлари ўртасида бундай институтни амалиётга киритиш аъзо давлатлар умумий бойлиги ҳисобланган қадриятлар — биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилмахиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибасини ўзида мужассам этган "Шанхай руҳи"га тўлиқ ҳамоҳанг.

"Шанхай руҳи" негизида ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданиятлар хилмахиллигига нисбатан ҳурмат, биргаликда ривожланишга интилиш каби тушунчалар ётади. Унинг мантиқий асосларига киритилган ҳар бир концепция теран маънога эга.

Ўзбекистон Президенти ШҲТ фаолиятидаги муваффақиятларнинг асосий кафолати халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, давлатлараро ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, уйғун манфаатларни инобатга олиш, тенглик эканини кўп бора таъкидлаган.

Демак, ҳар қандай ташкилотнинг обрўсини таъминловчи асосий омил, бу — ишонч. "ШҲТ эзгу ният элчиси" институти ташкилотга бўлган ишончни ошириш билан бирга, унинг имижини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Халқ дипломатиясининг ушбу манбасидан фойдаланиш омиллари ҳам аниқ. Биринчидан, глобал ва минтақавий ташкилот ўз фаолиятида асосий ғоялари ва тамойилларини кенг аудиторияга тезроқ етказа олувчи таниқли ва машҳур шахсларни жалб этишни талаб қилади. Иккинчидан, кенг кўламли гуманитар фаолиятни амалга оширувчи ҳар қандай ташкилот бошқа фаол инсонлар саъй-ҳаракатини эътиборсиз қолдирмаслиги керак. Учинчидан, ўз касбида шуҳрат қозонган ва ҳурматга сазовор бўлган шахслар жалб этилганда ташкилот ғояларини тарғиб қилиш бирмунча осонроқ кечади. Тўртинчидан, машҳурлар билан ҳамкорлик ҳар бир ташкилот учун ўзаро манфаатли ҳисобланади, чунки долзарб муаммолар ечимини ҳал этишда таниқли инсонлар салоҳиятидан фойдаланиш самаралидир.

Сўнгги ўн йил мобайнида дунёнинг етакчи давлатлари ўзларининг сиёсий, иқтисодий ёки мафкуравий манфаатлари йўлида халқ дипломатиясидан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Бинобарин, "машҳурлар дипломатияси" ШҲТ тарғиб қилаётган халқаро сиёсатнинг бир қисмига айланиши лозим.

Ўзбекистон ҳам ўзининг элга танилган, обрў-эътиборга сазовор бўлган ва хорижий давлатларда кенг эътироф этилган машҳур фарзандлари тимсолида эзгу ният элчиларини шакллантириши, давлатимизнинг ташқи сиёсатини, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ғояларини тарғиб этишда ушбу институт салоҳияти ва механизмларидан фаол ҳамда самарали фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

**Қобилжон СОБИРОВ,**
**Ўзбекистонда ШҲТнинг Халқ дипломатияси маркази директори.**

РЕКЛАМА

«Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

**2023 йил учун таянч докторантура ва докторантурага қабул эълон қилади.**

**1. Қуйидаги геология-минералогия фанлари мутахассисликлари бўйича таянч докторантурага (PhD):**

04.00.02 — Қаттиқ фойдали конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё (2 ўрин);

04.00.03 — Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология (2 ўрин);

04.00.06 — Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари (2 ўрин);

04.00.08 — Минералогия. Кристаллография (2 ўрин).

**2. Қуйидаги геология-минералогия фанлари мутахассислиги бўйича докторантурага (DSc):**

04.00.03 — Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология (1 ўрин).

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига биноан танловнинг охирги куни 2022 йил 15 октябрь.**

**Ҳужжатлар ягона электрон тизим орқали қабул қилинади: https://phd.mininnovation.uz**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 14 460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.08 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6